



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (14.060)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 январь куни экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жаҳонда иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда барқарорликнинг асосий омилли ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустақкам ўрин эгаллашдир.

Экспорт фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўтган йили мамлакатимиз экспорти ҳажми 28 фоизга ўсди. Худудий sanoat экспорти қарийб 2 баробар ошди.

Мазкур йўналишдаги кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида бу йилдан бошлаб прогноз кўрсаткичларини белгилаш ва мониторинг қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Авваломбор, экспорт прогнози 3 йиллик қилиб тасдиқланди. 2020 йил режаси ўтган йилгига нисбатан 22 фоиз кўп белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштириш йўналишларига масъул мутасаддиларнинг вазифалари кўриб чиқилди. Ҳар бир доллардан унумли фойдаланиш бўйича худудлар ва тармоқлар раҳбарларининг шахсий масъулияти белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён тармоқ ёки худуднинг масаласи деган сансоларлик бўлмаслиги, экспорт прогнози ижросини таъминлашга ҳар бир вазир, ҳўжалик бирлашмаси раҳбари ҳоким билан бирга теппа-тенг жавоб беришини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жорий йилги экспорт прогнози ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш, махсуслотларни қаерга, қачон экспорт қилиш ва буни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Тўқимачилик, мева-сабзавотчилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва автомобил соҳаси каби етакчи тармоқлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

"Ўзтўқимачилик сананоат" уюшмасига пахта толасини қайта ишлаш қувватларини 80 фоизга етказиш, янги қорхоналар ҳисобига экспорт номенклатурасини диверсификация қилиш ҳамда географиясини кенгайтириш топширилди.

Мамлакатимиз экспортёрларнинг салоҳияти бозорларга киришини енгиллаштириш учун имтиёзли савдо режими жорий этиш, "GSP+" умумий преференциалар тизими га қўшилиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда мева-сабзавотлар экспорти масаласи атрофида муҳокама қилинди.

Мева-сабзавот экинларини экспорт талабидан келиб чиқиб оптимал жойлаштириш, салоҳиятли ташқи бозорларда савдо уйлари ва дилерлик тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Иқтисослашган 55 та туманда мева-сабзавотлар етиштиришни кластер шақлига ўтказиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

"Ўзстандарт" агентлигига худудий ҳокимликлар билан биргалликда 155 та фермер ҳўжалигида "Global G.A.P." халқаро стандарти жорий этиш, Усимликлар карантинни давлат инспекциясига қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини ташқи бозорлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Экспорт фаолияти жозибдорлигини ошириш учун экспорт ва экспортголдн молиялаштириш тизимини ташкил этиш, ташқи харажатларини қоплаш механизмини кенгайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Ўтган йили барча манбалар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг қарийб 30 фоизини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этди. Сананоати ривожланмаган, олис туманларга ҳам катта инвестициялар кириб борди. Умумий қиймати 5,4 миллиард доллар бўлган 145 та тармоқ ва 167 та худудий лойиҳалар ишга туширилди.

Жорий йилдан бошлаб Инвестиция дастурлари янги тизим асосида ишлаб чиқилди. 2020 йил учун 1569 та хусусий ва тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Мазкур дастурга асосан шу йилда 233 триллион 200 миллиард сўм, жумладан, 7,1 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда тармоқлар ва худудлар раҳбарлари бу борада амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларига тармоқ лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш бўйича жавобгарлик юкланди. Худудларда амалга оширила-диган тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги ҳар бир лойиҳага республика идоралари раҳбарлари масъул сифатида бириктирилди.

Мутасаддиларга галдаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ишларини яқунлаб, хорижий инвесторлар билан шартномалар имзолаш ва ижросини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз бюджет маблағларининг самарали сарфланиши, белгиланган 2 минг 190 та объектада қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилишини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда 372 та болалар боғчаси, 343 та мактаб, 228 та тиббий муассасаси, 61 та олий ўқув юрти, 44 та спорт иншооти, 187 та ичимлик ва оқова сув тармоғи, 241 та ирригация ва мелiorация объектида қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган.

Ўтган йили бошланган лойиҳаларни сифатли амалга ошириш, янги объектлар бўйича тендер савдоларини яқунлаш ва молиялаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президентимиз инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашга муаммолар саклини қўлаётганини қайд этди.

Мутасаддиларга хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тармоқлар ва худудлар бўйича инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлиги ва иқтисодий-ижтимоий таъсирини баҳолаш,

тўғридан-тўғри хорижий сармояларни йўналтириш учун етакчи соҳаларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда биринчи навбатда инфратузилмага улашиш имкониятлари ва харажатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан яна бири – маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош махсуслотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шу мақсадда 2019 йил якуни бўйича локализация доирасида 800 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Хусусан, поливинилхлорид, катанка, электродвигатель, шннш идишлар, маиший техника, ҳар хил дори-дармонлар ва бошқа турдаги махсуслотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш дастурини янги ёндашувлар асосида шакллантираммз, деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, 830 та лойиҳа доирасида 9 триллион сўмлик янги турдаги махсуслотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

"Ўзлехсанот" уюшмаси, "Ўзагротехсанот-холдинг" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Ўзсанотқурилишматериаллари" уюшмаси, шунингдек, Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари аниқ лойиҳаларни амалга оширишлари лозимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодий вазирлик билан савдо вазирлигига ҳар бир вазирлик ва идора билан биргалликда бир ой мuddатда 2020 йил маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганideк, лойиҳаларни амалга оширишда асосий эътибор махсуслотнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлигига, таннархини камайтиришга қаратилиши керак.

"Ўзстандарт" агентлигига тадбиркорлик субъектларига импорт ўрнини босувчи сананоат махсуслотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича шахсий назорат ўрнатиш топшириғи берилди.

Иқтисодий ва сананоат вазирлиги, Савдо-сананоат палатасига жойлаштирилган масъуллар билан биргаллик Республика сананоат ярмаркаси доирасида тузилган шартномалар ижросини тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ҳузурдаги Япония тадқиқотлар таҳлилий марказида Япониянинг Вакаяма университети профессорлари иштирокида илк семинар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17-20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифи арафасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг тадқиқотлари Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Япония тадқиқотлар таҳлилий маркази очилган эди. Кунни кеча ушбу марказда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи халқаро семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда университет проректори С. Саидқосимов, Вакаяма университети тадқиқотчи профессор Накамито Кацуюэ хоним, мазкур университет туризмни ривожлантириш лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Мурано Мисато, Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ижроачи директор Элдор Элмуродов, профессор-ўқитувчилар, докторант тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Президентимизнинг 2019 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шерикликни янада чуқурлаштиришга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Унда икки мамлакат ўртасидаги стратегик муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва туризм соҳалари қатори илм-фан, таълим ва инновация со-

ҳаларида ҳам жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Семинарда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик масалалари бўйича атрофлича маълумот берилди. Япониялик мутахассислар Кунчиқар мамлакатда туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос томонлари ҳақида сўзлади, семинар иштирокчилари Вакаяма университети профессорларининг туризм бизнеси соҳасида амалга оширган илмий тадқиқотларига доир тақдимот билан танишди.

Икки мамлакат ўртасида дўстона алоқаларни кенгайтиришда фаол иштирок этиш учун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий-ўқув жараёни ҳам жалб этилган. Бу ерда кўп йиллардан буён Япониянинг нуфузли таълим масканлари билан талаба алмаштириш дастурлари муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, япониялик мутахассислар япон тилини ўқитиш жараёнини ташкил этишда фаол иштирок этмоқда, улар Япониянинг замонавий иқтисодиёти, ички ва ташқи сиёсати бўйича маърузаларини тақдим этишди.

Тадбирда бундай учрашувлар икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, сайёҳлар алмашувларини кўпайтириш ва соҳада қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Саидмурод РАХИМОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС ДОИРАСИДА ХУДУДЛАРГА СПОРТ КАРВОНИ ЖЎНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини маъмулий ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шaroитлар яратишга қаратилган бўлиб, ўтган давр мобайнида жумлада кенг қўламли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

15 январь куни пойтахтимиздаги "Миллий" стадионида спорт жиҳозлари ва инвентарлари жой олган спорт карвонини мамлакатимиз худудларига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги раҳбарияти, худудий бошқармаларнинг масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодининг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсон бўлиб ўлгайиши учун барча шарoитлар яратиб беришмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши бевосита жисмоний тарбия ва спортга қаратилгани замирида ҳам улкан маъно муҳасам. Бугун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги жами 230 болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига жўнаб кетган спорт карвоини мамлакатимизнинг эртаси бўлган ёшларни янада етук спортчилар бўлиб ўлгайи-

шга хизмат қилди. Ажабмаски, улар орасидан келгусида номдор спорт юлдузлари, жаҳон ва Олимпиада чемпи-онлари етишиб чиқса, – деди спорт карвоини кузатиш маросимида сўзга чиққан Т.Норбоева.

Барча худудлардан келган маъсул вакилларга махсус сертификатлар топширилди ва спорт карвоини республика-миз бўйлаб йўлга чиқди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ёшларига жўнатилган ушбу спорт карвоини-дан умумий қиймати қарийб 50 миллиард сўмлик 96 турдаги спорт жиҳозлари, инвентарлари ва кийимлари жой олган. Шундан 19 миллиард 316 миллион 802 минг сўмлик спорт жиҳозлари мамлакатимиздаги 230 болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига етказиб берилди.

Бундан ташқари, юртимизда волейбол спортини янада ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 30 мил-лиард 309 миллион 22 минг сўмлик спорт жиҳозлари, инвентарлари ва кийимлари эса республикамиздаги 7542 умумтаълим мактабига жўнатилди.

ЎЗА

XXI сағоси аср Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифонасига Корея халқаро соғлиқни сақлаш фонди (KOFIN) томонидан замонавий "DIAMOND-5A" рентген аппарати тақдим этилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда KOFIN фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимлиги масъуллари, шифокорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар болалар шифонаси фаолияти, унда бемор болаларнинг даволаниши учун яратилган шарoитлар билан танишди.

● Жиззах махсус индустриал зонасида 2-сектор раҳбари ёшлар билан учрашди. Учрашувда Президентимизнинг 2019 йил 27 декабрь куни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, сектор худудидаги ёшлар ташаббускорлигини ошириш, тақлиф ва муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди. Учрашувда фаол ёшларнинг бир гуруҳига сектор раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ва бадий китоблар берилди.

● Андижон шаҳридаги вилоят кўғирчоқ театрида хорижга ишга борувчилар учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 15 дан ортиқ хорижий ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хусусий бандлик агентликлари 9 мингга яқин тақлиф этилаётган иш ўрни билан қатнашди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети гелиополигонда 3 кВт қувватдаги Кўёш фотоэлектрик станциясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа Жанубий Кореянинг Корея энергетика агентлиги, WEEnergy, Hanbek Construction Co., Ltd компаниялари ва Ўзбекистондаги Кўёш энергияси халқаро институти ҳамкорлигида амалга оширилди. Дастлаб меҳмонлар Қорақалпоқ давлат университети ректори қабулида бўлди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

● Сурхондарё вилоятида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганнинг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Тантанали тадбирда Қуролли Кучларимиз тизими-да кейинги йилларда амалга оширилган туб ислохотлар Миллий армиямизни тезкор, ҳар қандай ҳавф-хатарга қарши тирадиган қудратли кучга айлантгани таъкидланди. Тамомила янги ташкилий тузилмага ўтказилган Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилияти бир неча баробар ошгани қайд этилди.

ЖАҲОНДА

● Федерал қидирувлар бюроси Чикагодаги туғруқхонадан 55 йил аввал ўғирлаб кетилган кишини топшига муваффақ бўлди. Америкалик аёл Дора Фрончак 1964 йил апрелда Пол исмли ўғил фарзандни дунёга келтирган. Чақалоқ дунёга келганининг эртаси куни ҳамшира кийимида бўлган аёл томонидан ўғирлаб кетилган. Ўшанда боланинг қидирилиши ортидан бир йил давомида бутун мамлакат қузатган. 2 йилдан кейин аёلнинг ўғлига ўхшаш болани топшига муваффақ бўлингган. Ўша вақтлар ДНК-таҳлил технологияси мавжуд бўлмагани сабабли боланинг ота-онаси билан яқинлиги қўлоғи шакли бўйича ўрнатилган. Аёл топилган болани ўз ўғли деб тан олган. Бироқ 2014 йилда ДНК-таҳлили топилган бола уни катта қилган инсонлар фарзанди эмаслиги аниқланган. Ҳақиқий Пол Фрончакни эса бир неча ойгина олдин топшига муваффақ бўлингган. Маълумотларга қўра, у ҳозирда Мичиган штатида яшаб, саратон касаллигидан азият чекади. Эркак ҳақиқий онаси билан учрашишни исташи ёки йўқлиги ҳозирча номаълум бўлиб қолмоқда.

● Британиялик ёзувчи Жоан Роулинг Forbes журналининг 2019 йилдаги энг кўп ҳақ тўловчи ёзувчилари рейтингини биринчи ўринга жойлашди. Роулинг Нью-Йоркдаги Бродвей театридаги спектаклга сотилган чипталар, 2,8 млн. нухсадаги китоблари Харри Поттерга бағишланган кўнгилоҳ парқдан келган даромад ҳамда экранлаштирилган китоблари касса йиғинларидан тушган тушум ортидан етакчиликни қўлга киритди. Унинг жами даромади 92 млн. долларни ташкил этди. Рейтингда иккинчи ўринни Билл Клинтон билан ҳаммуаллифликда "Президент йўқлиб қолди" романини ёзган америкалик Жеймс Паттерсон эгаллади. Унинг даромади 70 млн. доллар деб баҳоланмоқда. "Тикланиш" китоби сотуви орқали 36 млн. доллар ишлаган АКШнинг собиқ биринчи хоними Мишель Обама учинчи ўриндан жой олди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир, деб таъкидлаган эди. Ана шу ҳақиқат теран англанди ҳолда ўтган давр мобайнида Президентимизнинг соҳага оид 50 дан ошиқ фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирилар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилди.

Тиббиётда юзага келган мазкур инновацион соғлиқни сақлаш атамаси ҳамда бу янги тизимнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Марказ ташкил этилганидан буён қандай ишларни амалга оширди?

– Сўнгги йилларда барча тармоқлар каби тиббиёт соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Тошкент шаҳар худудий бўлини масъул раҳбари Элвира Маракаева. – Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ушбу ислохотлар самараси ўлароқ, вужудга келган янги тузилма бўлиб, ташкилот олдида бир қатор мақсад ва вазифалар қўйилган. Худудий бўлинимиз Миллий палатанинг таркибий қисми ҳисобланади. Фаолиятини кенг қамровли бўлиб, халқаро стандартларга мос соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яратиб, шу жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий ускуналар ва илгор ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш Миллий па-

латанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳрида соғлиқни сақлашни ривожлантириш стратегиясини, илгор халқаро стандартлар ва энг яхши

тирок этмоқда, давлат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан инновацион ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумларни тузмоқда. Тиббиёт ходимларини тайёрлашни такомиллаштиришга, уларнинг малакаси-

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделларини жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Инновацион технологияларни жорий этиш, инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, тиббий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, пуллик хизматни ташкил қилиш, IT технологияларини, ташкилий-назорат ҳисоб юритилишини таъбиқ қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Худудий бўлима мутахассислари Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш стратегиясини ишлаб чиқишда, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб чиқилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлилий баҳолашда иш-

ни оширишга, инновацияларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт, жамоат ва электрон соғлиқни сақлаш масалалари бўйича таълим курсларини ташкил этишга катта эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда конференциялар, маҳорат дарслари ва семинарлар ўтказилмоқда. Тиббиёт хатолари ҳолатларини камайтириш бўйича таъсирчан механизмлардан фойдаланилмоқда, тиббий статистикани тўплаш ва таҳлил қилиш тизimini рақамлаштириш амалга оширилмоқда, тиббий ташкилотларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун молиявий маблағлар жалб қилинмоқда.

Ўтган йилнинг июнь ойида ўтказилган “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш” мавзудаги биринчи халқаро конференцияда Миллий палата фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди, хорижий ҳамкорлар билан меморандумлар, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналарини етказиб бериш бўйича ҳужжатлар имзоланди. Миллий палата фаолиятини ташкил этиш бўйича “Йул харитаси”га мувофиқ ва тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан худудий бўлима томонидан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги тиббий муассасаларнинг тиббий-техник ҳолати ўрганилиб, тегишли ташкилотларга ушбу муассасаларни замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш бўйича тақлифлар киритилди.

– Бажаришимиз керак бўлган вазифалар жуда кўп, – дейди Э.Маракаева. – Мамлакатимиз олимлари ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда шаҳар соғлиқни сақлаш амалиётини инновацион ёндашув асосида илмий-техник ютуқларни жорий қилиш бўйича маҳорат дарслари ўтказишга тайёрлик кўраямиз. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 сентябрдаги қарори билан 2019–2024 йилларда кам учрайдиган ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича ҳам вазифалар юклатилган эди. Жорий йилда ушбу вазифалар ижроси юзасидан репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, аҳолининг қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган тиббий маданиятини ошириш юзасидан ишларни янада жадаллаштирамиз.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

ЕВРОПА ВА ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИРИНЧИ ФОРУМИ

Тошкентда 15 январь куни мазкур мавзуда икки китъа истеъмолчиларининг илк нуфузли форуми иш бошлади.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан Халқаро истеъмолчилар конфедерацияси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея, Хиндистон, Туркия сингари 30 га яқин мамлакатдан соҳада фаолият олиб бораётган 250 дан ортиқ мутахассис иштирок этмоқда.

Форумдан кўзланган мақсад истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, етакчи экспертлар иштирокида соҳанинг долзарб муаммолари, янгича тамойиллар, электрон тижорат ва туризм соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама этиш, глобаллашув шароитида йўналишга доир халқаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олиш, ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

Халқаро истеъмолчилар ташкилоти ва Халқаро истеъмолчилар жамиятлари конфедерацияси тақлифига биноан нафақат минтақада, балки Европа ва Осий китъалари худудида илк бор ташкил этилган мазкур нуфузли анжуманга мезбонлик Ўзбекистонга топширилган бежиз эмас. Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Айтиш керакки, узвий қисми сифатида Ўзбекистон 2018 йил Халқаро истеъмолчилар ташкилотининг аъзоллигига қабул қилинган ва тузилма доирасидаги меъёrlар тўла-тўқис бажарилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган янги ташаббуслар, гоёлар ишлаб чиқилаётгани, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилаётгани Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги халқаро рейтингни кескин оширишга замин яратди.

Форумнинг биринчи кунги ялпи мажлиси туризм соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусига бағишланди. Шунингдек, электрон тижорат ва рақамли маҳсулотлар савдоси соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барқарор истеъмол маданияти масалалари юзасидан мунозаралар уюштирилди.

– Мазкур форум Европа ва Осийда, жумладан, Мустақил Давлат-

лар Ҳамдўстлиги худудида жойлашган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга, – деди Халқаро истеъмолчилар ташкилоти президенти Маримуту Надасон. – Ўзига хос нуфузга ва фойдала ва қизиқарли. Бу, айниқса, янгиланаётган Ўзбекистон учун айни муҳим.

Форум давомида соҳада рўй бераётган янгиликлар, юзага чиқаётган янги турдаги ижтимоий муносабатлар ҳақида маълумот алмашилди, ушбу жараёнда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган янги гоё ва тақлифлар ўртага ташланди. Назарий ишланмаларни амалиётга таъбиқ этиш йўллари муҳокама қилинди.

Анжуманда Европа ва Осийнинг йирик, истеъмол бозорига юқори мавқега эга, туризм, ишлаб чиқариш ва бошқа муҳим соҳалар ривожланган давлатлари вакиллари иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда тараққийнинг янги босқичига чиқди. Мамлакатимизга сайёҳлар оқими йил сайин ортмоқда. Табиийки, бундай вазиятда наинки маҳаллий истеъмолчилар, балки хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган фуқароларга ҳам сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода, форумда кўтарилган масалаларга ечим излаш, муаммоларни бартараф этиш йўллари кидиришдан Ўзбекистон ҳам манфаатдор.

Халқаро экспертлар томонидан форум дастури учун нафақат юртимиз, балки бутун минтақа учун долзарб мавзулар танланган. Хусусан, электрон тижорат тизимини жорий қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, трансегаравий муносабатлар ва улчана қўриб чиқишдаги турли ҳолатлар таҳлили, ушбу жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари сингари мавзуларда ялпи мажлислар ўтказилди.

Форум якуни бўйича Европа ва Осий мамлакатлари истеъмолчиларига муносабатно кабул қилиш режалаштирилган. Мазкур тавсиявий характерга эга ҳужжат асосида соҳанинг келгуси истиқболлари белгилаб олинди.

Европа ва Осий мамлакатлари истеъмолчилари биринчи форуми 16-17 январь кунлари Самарқандда ўз ишини давом эттиради.

Ф.ХОННАЗАРОВ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Мудофиа вазирлиги масъул ходимлари, нафақадagi ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий шифокорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



ЯНГИ ШИФОХОНА Фойдаланишга топширилди

Мамлакатимизда амалга оширилган соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар натижасида шифо маканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, ҳарбий тиббиётни ривожлантириш, Ватан ҳимоячиларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим ишлар ҳам мувоффақ йўналишнинг устувор вазифалари қилиб белгилангани алоҳида таъкидланди.

Бу ерда даволаш-диагностика бўйича лаборатория таҳлиллари олиб борилади. Хусусан, юқумли касалликлар бўлими, ҳаво томчи ва инфекцияси бўлими, тери-таъносил касалликлари бўйича хизмат кўрсатилади. Мазкур бинода етти ой олдин капитал таъмирлаш ишлари бошланган эди. 17 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига ташкил этилган юқумли касалликлар бўлими биноси эндиликда бир вақтинчи ўзига 225 беморни қабул қилиб, улдарга зарур муолажаларни кўрсата олади. Барча хоналар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

– Бу ерда малакали ҳарбий шифокорлар фаолият кўрсатмоқда, – деди Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи, полковник Худойкул Раҳимов. – Фойдаланишга топширилаётган юқумли касалликлар бўлими биноси ҳам тиббий хизматга эҳтиёж сезган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги учун ўз ҳиссасини қўшишига ишонимиз. Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича олиб бориладиган тизимли ишлар самарасида кейинги йилларда ҳарбий тиббиёт ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Соҳага янги-янги технологиялар кириб келди, жойларда юқори малакали шифокорлар фаолият кўрсатаётди.

Бугунги кунда Мудофиа вазирлиги тасарруфига замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган, малакали тиббиёт ходимлари фаолият олиб бораётган даволаш-профилактика муассасалари, тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўлими бўлган кўп сонли ҳарбий тиббиёт пунктлари, шу билан бирга ҳарбий санаторийлар ва бошқа муассасалар бор. Соҳада амалга оширилаётган бу кулайлик ва афзалликлар шифокорларнинг ишини бир қадар енгиллаштириш билан бирга, беморларнинг саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Зотан ҳарбий хизматчилар қаерда, қандай шароитда хизмат қилмасин, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

ХУЛОСАДА ИНСОНПАРВАРЛИК АКСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, яъни Олий суд раиси ўринбосари, ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Республика маҳаллалар кенгаши раиси ўринбосари, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, Ташқи ишлар вазирлиги маслаҳатчиси, Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари, Мусулмонлар идораси, ДХХ, ИИБ ва Бош прокуратуранинг тегишли бошқарма ва тармоқ бошлиқлари ҳамда масъул ходимлари қатнашди.

Бош прокурор Н.Йўлдошев бошқарган йиғилишда Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиний жавобгарликдан озод этиш тартибининг такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган 12 фуқаронинг жиний жавобгарликдан озод этиш ҳақида тақдим этган мурожаати кўриб чиқилди.

Йиғилишда комиссия аъзоларининг тақиқланган ташкилот таркибига адашиб кириб қолган 11 фуқарони жиний жавобгарликдан озод этиш ҳақида хулосаси қабул қилинди, 1 нафар фуқаронинг мурожаатини қўшимча ўрганиш учун ишчи органга қайтарилган ҳақида овоз берилди.

Комиссияга ҳарбий йилнинг 1 январь кунига қадар жами 70 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 18 таси фармон талабларига мос келмаган, 20 таси комиссияда муҳокама қилинган (10 таси жавобгарликдан озод этиш ва 4 тасини рад этиш ҳақида хулоса қилинган, 6 таси қўшимча ўрганишга қайтарилган), 32 таси қолдиқда қолган.

Жиний жавобгарликдан озод қилинган 11 фуқарони Ўзбекистонга қайтариш, ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмақлашишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақида топшириқлар берилди.

Йиғилишда комиссия ва ишчи гуруҳ аъзоларининг келгуси вазифалари белгилаб олинди.

ЎЗА

ЭНДИ БАРЧА ЙИРИК КОРХОНАЛАРНИНГ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИГА АЪЗОЛИГИ МАЖБУРИЙ БЎЛИШИ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси корхона ва компанияларнинг ушбу ташкилотга аъзо бўлишни тартибга солувчи қонунчилик меъёrlарига ўзгартириш киритиш тақлифи билан қиқди. Бу борадаги тегишли қонун лойиҳаси муҳокама учун regulation.gov.uz. порталида кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

2018 йил 9 июлда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, ҳозирда мазкур палатага аъзо бўлиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурий ҳисобланади. Янги қонун лойиҳасида ушбу тартибга ўзгартириш киритиш ва аъзолликни фақат кичик тадбиркорлик субъектлари учунгина ихтиёрий қилиш тақлиф этилмоқда. Қолган барча корхоналар Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш шарт.

“Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш киритиш зарурати кўплаб йирик корхоналарнинг ушбу палатага аъзо бўлишдан бош тортишлари билан боғлиқ. Масалан, бу борада 827 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда йирик корхоналар, ўзларини хусусий деб оқлаганлари ҳолда мажбурий аъзолик тўғрисидаги шартномани тузишдан бош тортган. Ушбу муаммонинг илдизлари амалдаги қонунчиликда “хусусий тадбиркорлик” деган тушунчага аниқ изоҳ йўқлиги билан ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, Савдо-саноат палатасига аъзо бўлувчи корхоналарга ҳуқуқий ҳимоя тақдим этилади. Улар мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, солиққа тортиш, бошхона, ҳўжалик ҳуқуқи, қурилиш каби соҳалар бўйича бепул маслаҳатлар олади. Шунингдек, палата ўз аъзоларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини давлат судлари ва органлари, турли тадбиркорлик субъектлари, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам ҳимоя қилади. Бундан ташқари, у миллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини хорижий бозорларга, жумладан, палатанинг хорижий ваколатхоналари ва савдо уйлари орқали олиб киришга қўмақлашади.

Оқоридаги ҳужжат лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокама қилинадиган regulation.gov.uz порталида эълон қилинган бўлиб, бу ерда ҳар ким жорий йилнинг 28 январига қадар ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир ўз тақлифларини киритиши мумкин.

Роман БОНДАРЧУК

ОИЛАЛАР УЧУН “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган хавф-хатарларга қарши туриш мақсадига улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш бўйича тизимли ишлар олиб бориладиган.

Яқинда мураккаб шароитда қолган оилалар учун “Ишонч телефони” ишга туширилди. Қайд этиш лозимки, мазкур ишонч телефони орқали қийин аҳволда қолган оила аъзоларига ҳуқуқшунос ва психологлар бепул ва малакали хизмат кўрсатади.

“Ишонч телефони” хизмати Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази қошида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган бўлиб, ҳафтанинг якшанбадан ташқари ҳар куни 08:00 дан 20:00 га қадар фаолият юритади.

Ишонч телефони: +99 897 137 24 24

Ҳуқуқшунос: +99 897 137 26 26

Психолог: +99897 137 27 27

“Оилаларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш” лойиҳаси доирасида ишга туширилган “Ишонч телефони” хизмати фаолият бошлагани ҳали унчалик кўп вақт бўлмасада, юқори малакали ҳуқуқшунос, психолог ва оила соҳасидаги бошқа мутахассислар келиб тушган мурожаатлар бўйича тегишли иш олиб бормоқда.

ЎЗА

БАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

Дунёда шарафли вазифалар жуда кўп, ammo улар ичида киндик қонинг томган Ватанингни ҳимоя қилиш шарафлилар ичра шарафлисидир.

Негаки, Ватан – бу инсонга ато этилган энг қутлуғ неъмат, ажодларимиз уйғоқ, руҳи кезиб юрган табаррук гўша, уларнинг нафаси уфуриб турган муқаддас тупроқдир!

Ватан асл ватанпарварлар кўксига жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади.

Жалолитдин Мангуберди шижоати, Амир Темури жасорати... Булар кўксига Ватан деган куёшни кўтариб яшаган улуг ажодларимиз. Шу боис улар қалбларимиз тўрида. Ватан тарихини нима безаб туради, деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай шижоату жасорат, маърифату адолат, садоқату ҳимоя, деган бўлар эдим.

Шу маънода куни кеча Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг талаба-ёшлари ўртасида “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинлари мусобақаси ташкил этилди.

Унда университетнинг барча факультетларидан кундузги бакалаврият таълим йўналишларида тахсил олувчи 1-2-курс талабаларидан тузилган жа-

моалар иштирок этишди.

Мусобақа Низомига кўра жамоалар: сафда кўшиқ айтиб юриш тайёргарлиги; жамоа номи, вимпели ва унинг рамзий логотипи кўриги; ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тайёргарлиги; АКМ автоматини қисмларга ажратиш ва йиғиш; ҳарбий спорт эстафетаси; турникда тортилиш каби шартларни бажариши белгиланди.

ЎЗМУ факультетларининг “Қалқон 1”, “Ифтихор”, “Қалқон 2”, “Сарбозлар”, “Олимпия”, “Темур авангардлари”, “Ватанимиз йигитлари”, “Олимпос қалқон”, “Онлайн журналист”, “Қалқон 3”, “Буюк Жалолитдин ворислари” жамоалари юқоридаги шартлар бўйича муносиб беллашди.

Ҳар бир шартни Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасининг малакали офицерлари синчковлик билан баҳолаб боришди.

Талаба-ёшлар ўртасида ўтказилган “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинлари мусобақасининг якуни

бўйича Математика факультетининг “Буюк Жалолитдин ворислари” жамоаси 83 балл билан мулоқ голибликни кўлга киритди.

Шунингдек, Тазквондо ва спорт фаолияти факультетининг “Олимпия” ҳамда Тарих факультетининг “Темур авангардлари” жамоалари ҳам голиб жамоадан 3 балл фарқи билан муносиб иштирокини кўрсата олишди.

Доно халқимизнинг “Билаги зўр бирни енгади, билими зўр мингни” деган мақоли бежиз айтилмаган. Ватанпарварлик фақат ҳарбий хизматчида эмас, балки ҳар бир юртдошимиз юрагида хоҳ у хорихда бўлсин, хоҳ қийин шароитда бўлсин, Ватан нелигини ҳис этмоғи, у учун жонини фидо айламоғи даркор. Ана шу аслида ватанпарварлик. Ёшларимизнинг кенг дунёқараши, дунёда кечаётган жараёнларга муносабати, билими ва зехни борасида ҳам имкониятлари синондан ўтказилди.

Университетимизнинг ҳар бир факультетларидан беллашувда иштирок этган жамоаларни Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимиздан табриқлаб, уларга фақат омадлар тилаб қоламиз!

Шуни унутманг! Ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар қалбига “бу дунёнинг жаннати”, дега шарафланган Ўзбекистон ҳимоясига ақли, кучи билан шай турса, ташқи ва ички таҳдидлар ожиз нуқтага айланиши шубҳасиз.

Камолитдин МИРЗААХМЕДОВ, ЎЗМУ Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори

ЁШЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссиянинг ўтган йилдаги фаолияти, амалга оширган ишлари ҳамда келгусидаги режалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрда пойтахтимиздаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган учрашуви мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолгани эътироф этилди.

Маъмур учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, бугунги кунда уларни қийнаётган энг муҳим масалалар юзасидан мутасаддилар олдига қатор вазифалар бўйича, шу билан бирга, учрашувда қатнашган йигит-қизлар қўллаб-қувватлаш ҳам билдиргани ёшлар масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида эканидан далолатдир.

– Комиссия фаолиятида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалга оширилишида Қонунчилик палатасининг ролини ошириш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, замонавий дунёқараши, билим ва кўникмага эга йигит-қизлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси Қозимжон Тожиев. – Қуйи палатада кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларига бевосита ёшлар масалаларига тааллуқли ҳамда улар манфаати билан боғлиқ тақлифлар комиссия аъзолари томонидан қонун лойиҳалари бўйича тузилган ишчи гуруҳларига тақдим этилди.

Ўтган давр мобайнида комиссия томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўрганишлар олиб борилди. Хусусан, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича ўрганишлар, таҳлиллар ўтказилиб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бу тақлифлар янги қонунлар лойиҳаларида ўз аксини топди.

Бундан ташқари, ёшларни Қонунчилик палатаси мажлисларида қонунлар қабул қилиниши жараёни билан яқиндан таништириш ҳамда депутатларнинг йигит-қизлар билан очик мулоқотини ўтказиш масаласи комиссиянинг доимий эътиборида бўлди.

Ёшлар депутатлар билан мулоқотининг йиғилишлари, қолаверса, Қонунчилик палатасининг янги мажлисларига ҳам тақлиф этилиб, қонун лойиҳалари муҳокама қилишда бевосита иштирок этиши учун шароит яратилди. 7Шунингдек, улар Қонунчилик палатаси депутатлари билан юзма-юз суҳбатлашиб, ўзларининг тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдириши имконига эга бўлди.

ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигида ёшлар билан очик мулоқот ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда мамлакат ёшлари билан бўлиб ўтган учрашувда берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мулоқотда қатор долзарб масалалар ўртага ташланди.

Агентлик ва унинг тизимида 900 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 214 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қиздир. Ёшларнинг 4 нафари агентлик марказий аппаратида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

Тизим ёшлари стол тенниси, футбол каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Агентлик ёшлари ҳорихий тилларни пухта билишини таъминлаш мақсадида инглиз тили тўғаридаги тақлиф этилган. Бундан ташқари, “Устоз-шоғирд” аънаъси йўлга қўйилган бўлиб, йигит-қизлар тажрибали соҳа вакиллари билан сабоқ олмоқда.

– Агентлигимизнинг асосий вазифаси мамлакатимизда хусусийлаштириш ва давлат қорхоналарини ислох қилиш сиёсатини амалга ошириш, – деди Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи, ёшлар етакчиси Азиз Қаҳқоров. – Бу жараёнда ёшларнинг ташаббуслари жуда муҳим. Шу сабабли агентликда фаолият олиб бораётган йигит-қизлар билан мунтазам учрашувлар ўтказилади. Бу галги учрашувда йигит-қизларнинг агентлик фаолиятини такомиллаштиришга оид тақлифлари олинди. Муаммоларга ўз вақтида ечим топиш чоралари кўриладиган бўлди.

Агентликда ёшлар билан алоҳида ишлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Уларни етук мутахассис ва юксак маънавиятли шахслар сифатида тарбиялаш, нафақат агентлик, балки бутун мамлакатнинг ҳақиқий таянчи, кучи ва ифтихорига айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси экани айtilди.

Учрашувда қайд этилганидек, ёшларнинг эркин ишлаши, самарали ҳордик чиқариши, фаол маънавий ҳаёти учун 40 банддан иборат чораталлар режиси тайёрланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 300 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Хуршид КОДИРОВ, ЎЗА мухбири

ВИКТОРИНА ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳарбий хизматчиларнинг бир дақиқа вақти ҳам бекор ўтмаслиги керак. Жисмоний машғулотлар билан бирга ҳар кунни ўқиши, чет тилни ўрганиши, дунёқараши кенгайтириши зарур. Ватан ҳимоячиси деган номга ҳар кунни муносиб бўлиши керак” деган сўзлари Миллий гвардия тизимидаги ҳар бир ҳарбий хизматчи учун дастуруламалдир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳудудий бошқармалари, ҳарбий қисмлари ва таълим муассасаларида ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг чет тиллари, хусусан Ҳарбий-техник институтида курсантларнинг 5 та хорихий тил – рус, инглиз, немис, хитой ва араб тилларини ўрганишлари борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Ўрганилаётган тил кўникмаларини мунтазам равишда ривожлантириш ва уларнинг самарасини намоён этиш мақсадида Миллий гвардия таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ўртасида билимлар беллашуви – викторина ўтказиб келинмоқда.

Миллий гвардия тизимида ҳар йили ўтказилиши аънаънага айланган бу каби викториналарнинг инглиз тили йўналишининг республика босқичи куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун байрами арафасида ўтказилди.

Маъмур беллашув юртимиз бўйлаб қизгин давом этаётган ватанпарварлик ойлигида “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч” шиори остида ташкил этилди.

Беллашувда 6 нафар иштирокчидан иборат бўлган 10 та жамоа ўз кучи ва билимини 3 та шарт бўйича синондан ўтказди. Барча шартлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлигининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, ЎЗ ҚҚ Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик марказининг кафедра мудири ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институтидан ташриф бурурган ўқитувчилардан ташкил топган Жаҳамлар хайъати томонидан баҳолаб борилди.

“Таништирув”, “Савол-жавоб”, “Сардорлар баҳси” шартларида жамоалар эгаллаган тил кўникмаларини ўз фикрларини инглиз тилида эркин ва равои инфида этишлари орқали намоён этишди. Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти курсантлари, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ва Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейларида тахсил олаётган ўқувчилар ёш бўлишига қарамай ўз истеъодларини кўрсата олдилар.

– Инглиз тили бўйича викторинага устозларимиз ёрдамида жиддий тайёргарлик кўрган эдик, – дейди голиб жамоа сардори курсант Нурисломо Махмудов. – Ҳарбий-техник институтида олаётган билимларимиз бундан кейин ҳам бугунгидек голибликка эришишимизда хизмат қилишига ишонамиз. Якуни натижаларга кўра, 1-ўринни Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг “BLACK EAGLES” жамоаси кўлга киритди. 2-ўринни Тошкент вилоятида жойлашган Миллий гвардия бўлиминининг “LIONS” ва 3-ўринни Миллий гвардия Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг “PERFECT GENERATION” жамоалари эгаллади.

Шунингдек, “GUARDIAN LIONS” жамоаси иштирокчиси оддий аскар Ф.Абдужалилов “Энг яхши иштирокчи” номинациясига эга бўлди. Муносиб иштирок этган барча голиб ва совриндорлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги томонидан махсус диплом ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Нафосат ЗАФАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси



КИТОБ – МЕНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМ

Ҳар қандай давлатнинг келажаги маърифатли ёшлар билан белгиланади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис билим эгаллаш, доим мутлоа қилиш барчамизнинг вазифамизга кирди. Айниқса, мамлакатимиз шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда мукаммал билим учун қурашадиган вақт келди.

Миробод туманидаги 125-мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган “Китоб – менинг порлоқ келажагим” мавзусида ўтказилган тадбирда бу жихатлар алоҳида қайд этилди.

Тадбирда ёшларни китобга қизиқиши, уларни кўпроқ китоб ўқишга жалб этиш, тарихий аҳамиятга эга бўлган миллий адабиётларимиз билан таништириб бориш муҳимлиги айтиб ўтилди. Ёшлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзлари ёқтирган китоб тўғрисида, китобхонликка бағишланган шеърлар ва алломаларнинг китоб ҳақидаги ҳикматлиги сўзларидан ай-

тиб бердилар. Бир сўз билан айтганда тадбирда ўғил-қизлар истеъодларини намоён этишди.

Китоб тафаккур, маънавият, ахлоқ ва тарбия манбаи экани, унинг инсон камолоти йўлида тутган ўрни ҳақида орқатика гапиршнинг ҳожати йўқ. Бугунги тадбир ўқувчиларни бениҳоя қувонтириб юборди. Чунки, болаларимиз китобни сеувуви, билимга чанқоқ ва ўз устида мунтазам шуғулланиб, истеъодларини рўёбга чиқаришга интиладилар.

Малика АБДУРАҲМОНОВА

Реклама ва эълонлар

“FUTURE FRUIT” МЧЖ таъсисчиларининг 2020 йил 3 январдаги умумий йиғилиш баёнига асосан, Олмазор тумани Давлат хизматлари марказидан 2015 йил 22 январда 007962-05-сон билан рўйхатга олинган “FUTURE FRUIT” МЧЖга кўшиш йўли билан қайта ташкил этилиши муносабати билан мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамятилар тўғрисида”ги Қонунининг 49-моддасида белгиланган муддатларда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 4д-уй манзили бўйича қабул қилинишини маълум қилади.

2018 йил 4 июлда Сергели туман кадастр филиали томонидан расмийлаштирилган кадастр рақами 10:06:02:02:02:0066 бўлган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Чоштепа кўчасида жойлашган маданий мерос объекти – “Бадр” ота зиёратгоҳининг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Реклама ва эълонлар

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси оммавий савдоларга қўйилган давлат мулки объекти бўйича электрон онлайн аукцион савдоларига тақлиф этади “E-IJRO-AUKSION” электрон онлайн савдо аукцион майдончасига сотувга чиқарилаётган давлат мулки объекти тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда сакловчиси	Давлат улуши ёки бино ва иншоотлар майdonи		Сотиб учув асос (ПҚ/ВМК)	Савдо тури	Савдога қўйилган нархи (сўма)	Савдо шарҳлари:
				фондга	кв.м.				
1	Собик “Чорсу” меҳмонхонаси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоғур тумани, А.Навоий кўчаси, 1 А-уй	“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК	-	277200 / 22 кават	ВМК-774, 16.09.2019	аукцион	1	Аукцион ҳар бир босқичи 100 млн. сўм. Ҳукумат кафолатларининг қамиди 25 000 000 АҚШ долларига тенг жамланганда. Яралмаган иш ўринлари сонини 150 киши. Қамиди уч юзлу эли меҳмонхона эҳтимоли ташкил этили. Аукцион голибнинг инвестицион лойиҳасида меҳмонхона мажмуасининг мавжуд бино-иншоотларини бузиш назарда тутилган бўлса, бузиладиган бино ўрнида буёқда этиладиган меҳмонхона мажмуасининг қамиди уч юзлу эли стандартга мос келиши, буёқда янги меҳмонхона биноси ташкил этилиши бузиш бино ташкил этилишига айлан бир эка этиб ишлаб чиқиш ва янги мажмуа балансида бузиш бино балансидагидаги паст бўлмаслиги, буёқда дизайн ва қурилиш лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан мажбурий тартибда келишилсини шарт.

Электрон онлайн аукцион савдо натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Электрон онлайн аукцион савдоси объектнинг жойлаштириш кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00-18.00 оралигида ўтказилади. Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auction.uz сайти орқали олиш мумкин. Сотувчи: Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент ш., Амир Темури кўчаси, 6. Тел: (+99871) 259-22-02, 259-20-70, 259-22-56, 259-20-91. Веб-сайт: www.davaktiv.uz, e-auction.uz Электрон почта: info@davaktiv.uz, privatization@davaktiv.uz, monitoring@davaktiv.uz Хурматли тадбиркорлар! Савдо пайтида сизнинг ҳуқуқларингиз бузилган бўлса Давлат активларини бошқариш агентлигининг ишонч телефонига мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ишонч телефони: (0371) 259-21-37, 1082.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан 2016 йилда Шокирова Нигора Хамидулла қизи номига берилган К № 4475062 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 17-уй, 100-хонадон учун Тухлуева Кундуз Жовлиевага берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент меҳмонхона хўжалиғи техникуми томонидан 2000 йилда Сайдувалиева Дилноза Джурапулатовна номига берилган № Д 417037 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Олмазор тумани, 15-уй, 5-хонадон учун Умарбеков Азизбек Музробович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тумани, Е-мавзеси, 12-уй, 11-хонадон эгаси Абдул Кабир Абдул Ганий номига берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Паралимпия

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИНТИЛАЁТГАН ГУЛЖАНОЙ

Янги спорт мавсумининг илк кунларида Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WT) Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи якуний рейтинг жадвалини эълон қилган эди. Унга кўра, паратаэквондо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Гулжаной Наимова 58 килограммгача вазн тоифасида рейтинг бўйича XVI Паралимпия ўйинларига тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритди.

Гулжаной Ўзбекистон паратаэквондочилари ўртасида Паралимпия ўйинларига лицензия олган илк спортчи сифатида тарихдан жой олгани халқимиз гурурифтхорини тоғдек кўтарди. Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб воғая етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган до-

имий эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Гулжаной Наимова 2001 йил Сурхандарё вилоятида туғилган. У болалик чоғларидан доимо оиласига қувонч олиб келиши, тенгдошлари орасида ўзининг ютуқлари билан ажралиб туриши учун спорт билан шуғуллана бошлади. Мамлакат миқёсидаги мусобақаларда тобланган Гулжаной 2017 йили терма жамоа таркибидан Лондон шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этди ва бронза медалини қўлга киритди. 2018 йили эса у Вьетнамда ўтказилган Осиё очик чемпионатида барча рақибларини енгиб, шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Паратаэквондочимиз учун 2019 йил ҳам омадли ўтди. Дастлаб у Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чем-

пионатида кумуш, Иордания мезбонлик қилган Осиё чемпионатида бронза ва Италияда ўтказилган Европа очик чемпионати кумуш медалини қўлга киритди. Шу кунга қадар қўлга киритган ютуқларимиз замирида мураббий ва яқинларимнинг қатта меҳнати ётибди. Ўтган вақтлар давомида ҳамisha юрт шарафини ардоқлаш, Ватанимиз байрогини янада юксалтириш ҳақида ўйламоқдаман. Насиб қилса, Паралимпия ўйинларида мен ҳам олтин медалга сазовор бўлиб, мамлакатимиз ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлайман, - дейди Г.Наимова. Гулжаной Наимова каби спортчиларимизнинг улкан ютуқларини қўлга киритишида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб

ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, таҳриба ва маҳорат ошириши, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган мусобақаларга пухта тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шароит яратиб бермоқда.

Бу спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда юксак ғалабаларни қўлга киритишида асосий омил бўлди.

Ўтган йилги спорт мавсумида паралимпиячиларимиз дзюдо, сузиш, энгил атлетика, ўқ отиш, пауэрлифтинг, параканоя, паратаэквондо ва пара академик эшак эшиш бўйича ўтган жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда кубокларида, Гран-при мусобақаларида 33 олтин, 16 кумуш, 18 бронза жами 76 медални қўлга киритиб, шижоат ва матонатда, иктидору истеъдодда ҳеч кимдан кам эмаслигини, аксинча, манаман деган давлат ёшларидан устун эканини исботлади.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон паралимпиячилари ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоян этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига доимо тайёрлиги келажакдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2020 йили Япониянинг Токио шаҳрида бўладиган XVI Паралимпия ўйинларида бундан-да салмоқли натижаларга эришиши шубҳасиздир.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ

Футбол янгиликлари

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Таиландда 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати "С" гуруҳи баҳслари ниҳоясига етди.

Ушбу гуруҳда юртимиз шарафини ҳимоя қилган олимпия терма жамоамиз сўнги турда Жанубий корейлик чарм тўп усталари билан куч синашди. Очиғи, асосан корейс футболчилари устунлигида кечган ўйинда ҳамюртларимиз 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Рақиб дарвозасини Б.Абдуҳолиқов аниқ нишонга олди.

Ушбу гуруҳнинг Хитой - Эрон олимпия терма жамоалари баҳси 1:0 ҳисобида форсликларнинг ғалабаси билан тугади. Аммо, турнир жадвалида тўплар нисбати ҳамда ўзаро ўйиндаги ижобий натижа сабаб олимпиячиларимиз гуруҳда 4 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалда ўйнаш ҳуқуқига эга бўлишди. Ҳамюртларимиз эронликлар билан 1:1 ҳисобидаги дурангга эришган ҳолда, хитойликларни 2:0 ҳисобида мағлуб этишганди. Гуруҳда Жанубий Корея ҳамда Ўзбекистон 1, 2-ўринларни эгаллаб, Токио Олимпиадаси йўлланмаси учун курашни давом эттиришади.

Биз олимпиячиларимизга келгуси учрашувларда омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

МУХЛИСЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАДИМИ?

Жорий йилнинг 21 январь куни футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси саралаш босқичининг дастлабки плей-офф баҳсларига старт берилади.

Айнан шу куни Ўзбекистон миллий биринчилигида бронза медалларига эга чиққан Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" жамоаси Тошкентда Ироқнинг "Ал-Завра" клуби билан куч синашди. Айнан шу куни Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медаллари совриндори "Локомотив" ҳам Тошкентда Тожикистоннинг "Истиклол" жамоасини қабул қилади. "Бунёдкор" клуби раҳбарияти мухлисларга қулайлик яратиш мақсадида "Ал-Завра"га қарши кечадаги баҳсни 22 январга қўчириш мақсадида ОФКга илтимоснома юборди. Ироқликлар "Бунёдкор"нинг таклифига ижобий жавоб қайтаришди. Энди ОФКнинг бу ҳақдаги қарорини кутиш қолди холос.

ЛИВАНЛИК ҲАҚАМЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛИШАДИ

ОФК томонидан футбол бўйича жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнири иккинчи саралаш босқичидан ўрин олган учрашувларда фаолият юритадиган ҳақамлар рўйхати эълон қилинди.

Осиё чемпионлар лигаси турнири иккинчи саралаш босқичида Тошкентда "Локомотив" ва Тожикистоннинг "Истиклол" жамоалари ўртасидаги баҳсни ОФК мутасаддилари қарорига кўра ливанлик ҳақамлар бошқарадиган бўлишди. Ушбу баҳсга ФИФА рефериси Ҳусайн Абу Яҳё бош ҳақам сифатида бошқариб борса, қанотларда унга ватандошлари - Самир Бадр ва Рабах Омейрат ёрдам беришади. Заҳира ҳақами ҳам Ливандан - Абу Ризо. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 17 январь куни ҳаво ўзаариб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 2-4 даража совуқ, кундузи - 1-3 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиши даражаси паст бўлади.

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК!

Тошкент минтақаси темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари ўзaro ҳамкорликда темир йўл объектларига яқин жойлашган аҳоли яшаш масканлари, темир йўллар ва темир йўл бекатларида тозалик ва санитария қоидаларига риоя қилиш борасида бир қатор профилактик тадбирларни белгиланган режага асосан амалга ошириб келмоқдалар.

Шунга қарамадан темир йўл ҳудудларида яшайдиган аҳоли томонидан бекат ва бекатлар оралиғида ҳамда темир йўл атрофида маиший чиқиндиларни ташлаш ҳолатлари учраб турибди. Айрим фуқароларимиз чиқиндиларни йиғиб кетувчи махсус машиналарни келмаётганлигини рўқач қилиб хонадонидан йиғилган қолган чиқиндиларни темир йўл ёқасига ташлаб кетишлари ачинарли ҳолдир. Ушбу ҳолатлар эса ўз навбатида санитария ва экология қоидаларини кўпол равишда бузишга олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 161-моддасига (шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш) кўра юқориди каби ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача яъни 223000 сўмдан

669000 сўмгача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача яъни 669000 сўмдан 1115000 сўмгача миқдоридан жарималар белгиланган. Биз Тошкент минтақаси темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари темир йўл яқинида яшовчи фуқароларимизни санитария ва экология қоидаларини бузмаслик, темир йўлларни ва темир йўл ёқаларини маиший чиқиндиларни ташлаб ифослантирмаслик ҳамда табиатни асраб-авайлашга чақириб қоламиз. С.НУРМАХАМЕДОВ, Тошкент минтақаси темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ХҲП катта инспектори, майор, У.ТҲҲИЕВ, капитан

Реклама ва эълонлар

Олмазор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 2014 йил 8 январдаги 007110-05 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган "METAL LINE" МЧЖ (СТИР 302785335) корхонанинг 2019 йил 18 декабрь 3-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уй. Телефон: (90) 322-22-52.

Олмазор туманидаги 24-сонли мактаб томонидан 2013 йилда Аҳмедов Самандар Абдисамиқ ўғли номига берилган № 6242062 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент кимё технология институтини томонидан 2010 йилда Тўлаев Шерали Жумаевич номига берилган В № 532101 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Аввалги Тошкент медицина институтини (ҳозирги Тошкент давлат стоматология академияси) томонидан 1992 йилда Бердиев Хусан Мунинович номига берилган ФВ № 943313 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент архитектура институтини томонидан 2005 йилда Бойқорев Фердинант Маратович номига берилган В № 150761 рақамли бакалавр дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Донишмандлар инсон овқатланиш қоидаларига амал қилса, 120 йил яшайди, дея башорат қилган. Абу Али ибн Сино эса соғлом турмуш тарзига амал қилган, ундан ҳам узоқроқ умр кўриш мумкинлигини айтган. Келин, бугун биз доим ҳам аҳамият қаратавермайдиган, аммо долзарб мавзу - овқатланиш маданияти ҳақида фикрлашамиз.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ - ЮКСАК МАДАНИЯТ

Дастурхон атрофида адаб билан ўтириш, кам гапириш, оғзини чапиллатмай ейиш ҳамда катталардан олдин таомга қўл узатмаслик сингари қоидалар болалигимиздан сингдирилган, ёд бўлиб кетган, бу борада ортиқча панд-насихатга ҳожат йўқ, дейишингиз мумкин. Фикрларингиз ўринли. Аммо бир ҳақиқат борки, ҳамма ҳам тўғри овқатланиш қоидаларини билавермайди ёки амал қилмайди. Агарда организмизда сув балансига эътибор қаратиб, кунлик миқдорни, қайси маҳсулотлардан воз кечиб, қай бирларини кўпроқ истеъмол қилишни, муҳими, қайси озиқ-овқатни қайсинини билан ейишни билганимизда эди, донишмандлар айтганидек, узоқ умр кўрувчилар сафи тобора кенгайиб, семизлик, диабет, қон босимининг кўтарилиши, атеросклероз, инсульт, инфаркт ва шу каби бир қанча юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар сони йилдан йилга ошиб бормасди.

Овқатланиш - бу дун келганини пақос тушириш дегани эмас

Ҳаёт ва меҳнат тарзимизнинг фаоллиги, саломатлигимиз кўп жиҳатдан қандайд овқатланаётганимизга боғлиқ. Ўзимизни лоҳас ҳис қилиб, бошимиз тинимсиз оғриса, ошқозонимиз тез-тез безовта бўлса, озиб ёки семириб кета бошласак, дарҳол овқатланиш тартибимизни ўзгартиришимиз керак бўлади. Овқатланиш - бу дун келганини пақос тушириш дегани эмас. Унинг ҳам ўз тартиби бор. Масалан, айни пайтда кўпчилик кунига уч марта овқатланиш керак, деб ҳисоблайди. Аммо мутахассисларнинг айтишича, одамларнинг неча марта овқатланиши, овқатнинг калориялиги улар бажарадиган меҳнатнинг оғир-енгиллигига, яъни энергиянинг қай даражада сарф бўлишига мувофиқ келиши керак. Оғир жисмоний иш билан банд бўлган кишиларга нонуштага сарф бўлишига мувофиқ келадиган меҳнатнинг оғир-енгиллигига, яъни энергиянинг қай даражада сарф бўлишига мувофиқ келиши керак. Оғир жисмоний иш билан банд бўлган кишиларга нонуштага сарф бўлишига мувофиқ келадиган меҳнатнинг оғир-енгиллигига, яъни энергиянинг қай даражада сарф бўлишига мувофиқ келиши керак. Оғир жисмоний иш билан банд бўлган кишиларга нонуштага сарф бўлишига мувофиқ келадиган меҳнатнинг оғир-енгиллигига, яъни энергиянинг қай даражада сарф бўлишига мувофиқ келиши керак.

Кунлик овқатланиш қуввати, одамнинг кунлик сарфлайдиган энергиясига мос келиши соғлом овқатланишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Биз кўп ҳолларда сарф қилинадиган энергияга қараганда кўпроқ энергия қабул қилар эканмиз. Диетолог-шифокорлар таркибида ёғ, қанд миқдори кўп бўлган, ўта калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, юқорида ёғзаткичлик, турли хил касалликларни келтириб чиқаришини айтмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари ҳам инсон саломатлигини белгилловчи омилларнинг 50 фоизи унинг овқатланиши ва ҳаёт тарзига боғлиқлигини таъкидлайди.

Овқат ҳам дўст, ҳам душман

Тиббиётда модда алмашинуви - метаболизм деган тушунча бор. Бунда организмда энергия ишлаб чиқариш ва сарф этиш жараёни - озуқавий моддаларни ҳазм қилишдан тортиб то чиқарилишигача бўлган жараёнлар тушунилади. Модда алмашинуви бузилиши турли хил касалликларни келтириб чиқаради. Аксарият семиз инсонлар озиш мақсадида нонушта, тушлик ёки кечки овқатдан воз кечмади, гўёки овқатни "душман" деб билишади. Қарашаси, бундай ёндашув акс таъсир этади. Организмда нормал жараёнлар кечishi учун етарли миқдордаги калорияни истеъмол қилмасак, организмимиз ваҳимага тушиб қолар ва модда алмашинуви секинлашиб, овқатни энергияга сарф қилиш ўрнига уни ёғ қилиб ушлаб қоларкан. Овқат доимий тартиб билан истеъмол қилинса, модда алмашинуви юқори бўлиб, қабул қилинган калориялар йиғилиши ўрнига сарфланади.

Ўз метаболизмизни фаоллаштириш учун эрталаб албатта нонушта қилин, - дейди ЎЗА МУХ-

бирига тиббиёт фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси болалар, ўсимирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори Гули Шайхова. - Эрталаб овқатланишдан катта таънафусдан сўнг уйғонасиз. Нонушта қилмаслик метаболизмнинг сузсайишидир. Куннинг бундай бошланиши яхши эмас. Эрталаб организмга оқсил, озуқавий моддалар ва сув жуда зарур. Жисмоний фаолиятингизда кун бўйи энергия етиши учун нонуштада ва тушликкача бўлган оралликда яхши энг. Олдий ўлгеволлардан воз кечинг. Бу сизга энергия тўпланиб қолиши ўрнига уни сарф қилишга ёрдам беради.

Соғлом бўлиш учун сув ичинг

Саломатликка оид китобларнинг бирида шундай ёзилган: Соғлом бўлиш учун сув ичинг! Эрталаб уйқудан уйғонганимиз ва ўрндан турмасимиздан бир стакан илчи сувни сипқориб ичиб юборишимиз, ухлашдан олдин ҳам худди шу амални бажаришимиз керак экан. Фақат кечаси ётишдан олдин ичадиган сувимиз миқдори эрталабидан камроқ - ярим стакан бўлсин. Бу билан биз организмимизни ювган, яъни чиқинди ва токсинлардан тозаланган бўламиз. Кун давомида ичадиган сувимизни эса кам-камдан ҳўллаб-ҳўллаб ичиш тавсия этилади. Тана вазиига қараб инсон кунига 2-3 литр сув ичиши лозим.

Сув организмда кечадиган барча жараёнлар: ҳужайра, тўқима ва аъзоларнинг асосини ташкил қилиб, тана ҳароратини бошқаради. Ҳужайраларга озуқавий моддалар, ксилород ва глюкозани етказиб беради. Мушакларни мустаҳкамлашга ва бўғимлар эластик бўлишига ёрдам беради, ҳазм қилиш жараёнини бошқаради. Яна бир маълумот: қайнаган сув ўлик сув ҳисобланади. Сув қайнатилганда зарарли моддалар билан бирга фойдали микро ва макроэлементлари ҳам йўқ бўлиб кетади. Махсус ускуналар ёрдамида тозаланган ёки тайёр қадқолланган сувларни ичиш тавсия этилади. Савдо дўконларидан сув сотиб олаётганингизда, албатта, ярқиллик мuddати ва сақланиш ҳолати билан қизиқиб кўринг. Яхшиси, ишлаб чиқарилганга уч кундан кўп бўлган, қуёш тигига чиқариб қўйилган сувни харид қилманг. Яна шунини билингки, турли хил таркибига кимёвий моддалар қўшилган ширин газли ва гасиз ичимликлар соғлик учун зарарли. Сувни овқатланишдан йилгирма дақиқа олдин ва кейин ичиш керак. Таом билан аралаштирмаган маъкул. Чойни ҳам худди шу тартибда ва меъёردа ичиш лозим.

Агар сиз чанқоқлик ҳолатини кутсангиз, организмизнинг сувсизланган бўлишига ва ҳаттоки шу даврда 0,5-1 литр сув йўқотишингиз мумкин, - дейди соғлом овқатланиш бўйича мутахассис Ойбуви Санаева. - Чанқоқчи кутмасдан сув ичиш жуда муҳим. Мия тўқималарининг 75 фоизи сувдан ташкил топганлиги боис, сувни ичишни қанда қилмаслик керак. Айниқса, ёш болаларга, мактаб ўқувчиларига бу борада эътиборли бўлиш зарур.

Сувни меъёрида истеъмол қилмаслик ақлан толиқшига олиб келар экан. Энг муҳими, фарзандларингизга сув ичишни, кам-камдан, тез-тез тановул қилишни ўргатинг. Улар билсинки, салатлар, мева-сабзавотлар таомдан олдин истеъмол қилинади. Дастурхонимизда доим қуқатлар, димлаб пишirilган ёки қайнатилган таомлар, мева-сабзавотлар бўлсин. Таоминида маҳсулотлар турини кўпайтириш ва улар сифатига эътибор қаратиш лозим. Таомни қайта иситиб, уч-тўрт соатдан кейин истеъмол қилиш муғлок нотўғри. Аксарият уй бекалари ҳатто кечаги овқатни эртаси кунни ҳам иситиб дастурхонга тортишади. Бундай таомлар одамни тўйдирди, аммо организм учун фақат зарардир. Шундай экан, ҳар биримиз овқатланиш маданиятини билишимиз, айниқса, уй бекалари бу борада билимларини ошириши, қизларимизга ҳам ёшлигидан ўргатиб бориши мақсадаги мувофиқ. Моҳигул ҚОСИМОВА

Тошкент Оқшоми Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Телефонлар: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, Факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ